

# "Невараларим о'қий оладиган китоблар беринг"

## МАЪНАВИЯТ

Ҳали Сирдарё кенгликлари таас-суротларини унутганим йўқ эди. Аксична, у ерда содир бўлган воқеалар Соҳибқирон Амир Темур ва Хоразм ё Огаҳий ҳақида ёзаётган лойҳаларим тўсатдан пайдо бўлиб, фикрларимни «туртиб» юборарди. У саҳифалардан ўз ўрнини талаб қиларди, чоғимда. Тарихда у билан боғлиқ бирталай ҳодисалар бор. Кўпи Турон жангу жадалларидир. Ё ҳеч бўлмаса, бирор тарихий ҳодиса албатта, тадқиқот-

қадимий кўҳна қўлёзма манбаларни қидириб аниқлаш эди.



Экспедиция Республика Президенти «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2995-сонли қарори, 2-банднинг вилоятлардаги ижросини амалга ошириш бўйича ташкил этилган. Ушбу банд аҳолида мавжуд бўлган арабий ёзувдаги қадимий ноёб қў-

ўшанда бирор-бир сандиқ тўла қўлёзма топармиканмиз, деган илинж ҳам вақти-вақти билан ўй-халларимизда пайдо бўлиб қоларди. Бунга жуда ишонолмасак-да, аммо бу умид негадир бизни сира тарк этмасди. Ҳар бир қадамимизни яхши ниётлар билан босамиз. Биз, тадқиқотчилар учун бундан ортиқ хазина йўқ, аслида. Устозларимиз ўргатганидек, бирор ҳудуддан қўлёзма ҳақида маълумот топиш учун ўша

– Ҳа, яна озгина кутсак, ҳеч нарса қилмас, шунча йўл босиб келдик, – дея бизга ҳамроҳ бўлган вилоят маънавият ва маърифат ишлари вакилига юзландик. У бизни ташқарида кутишини айтди. Нуруний отахонларга салом бериб, мақсадимизни тўшунтирдик.

Шунда улардан бири бизга қараб: – Қизим, пулинг, керакмас, сенга шу қадимий қўлёзмаларни бераман, унинг ўрнига невараларим ўқий

# «НЕВАРАЛАРИМ ЎҚИЙ ОЛАДИГАН КИТОБЛАР БЕРИНГ»



чи йўловчини уларга олиб боради. Искандар Мақидуни, ёвни заррача писанд қилмайдиган қудратли ўта жасур хоқонлар, араб Қутайба, Гурхон, Чингизхон, Соҳибқирон Амир Темур, Абул Хайрхон, Абу Саид султон... Ҳаммаси жангга чанқоқ катта кўшин билан шу ердан ўтган. Кимсасиз, поёнсиз, сувсиз даштда улардан хотира бўлиб, Сирдарё вилоятида биз бориб кўрган кўҳна тарихий ёдгорлик Сардоба турибди. Унинг биз кўрган ҳозирги қомати Абдуллахон ибн Искандархон ташаббуси ва истаги билан бунёд этилган. Таъмирлангани, замонавий муносабатлар унинг дунёсига дахл қилганига қарамай, у узок ўтмишни ўзида сақлаб қолган. Бир неча кун Сирдарёда иш юзасидан юрган бўлсак, у сафаримизнинг Рухига айланиб қолди. Энди уни унутиб бўлмайдим...

Ҳа, айтмоқчи, сафаримиз мазмунига ўтайлик, энди. 2018 йили Ойсара Мадалиева билан Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти томонидан Жиззах ва Сирдарёга хизмат юзасидан археографик экспедицияга боргандик. Вазифамиз айрим давлат муассасалари ва халқ қўлида сақланаётган

ёзмаларни аниқлаш ва сотиб олиш орқали институтининг тарихий қўлёзма манбалар фондиди бойитиш; қимматли қўлёзма асарлар, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатларни аниқлаш, таҳлил қилишдан иборат эди. Шубҳасиз, Ўзбекистон Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган бир қанча мамлакатлар орасида қадимги қўлёзмалар энг кўп сақланиб қолган ва тўпланган давлатдир.

Экспедициямизнинг 8-кўни Сирдарё вилоятининг маънавият бўлими вакили ҳамроҳлигида бир неча туманларга бордик. Машҳур ёдгорлик республиканинг машҳур катта шохйўл бўйлаб юрилганда Сирдарё маркази Гулистон шаҳридан кўра, Жиззахга яқин экан. Ўша пайтда бизга шундай туюлган. Бир тарафдан кўҳна тарихнинг қадимий бир гувоҳини кўриш туйғуларимизни қандайдир ҳаяжонга тайёрлаётганди. Ушанда ростдан ҳам шундай ҳолатни бошдан кечиргандик... Мана, икки-уч кун бўлди, ўша сафар воқеалари ниҳоят, саҳифаларимга шиддат билан кириб келди. Уларни тўхтатиб бўлмадим.

жой масжиди имонига учрашардик. 2018 йил 23 август, ҳайит айёмининг учинчи кўни. Шом эниши олдидан гира-шира вақтга қарамай, иккимиз масжидга етиб келдик. Масжид анча таъмирталаб эди. Имоннинг ўзи йўқ, аммо масжид қоровули бор эди. Улар билан бироз суҳбатлашиб, қўлёзмалар ёки қадимги ҳужжатлар ҳақида сўрадик. Фақат меҳробда турган бир икхита диний тошбосма асарларни кўрсатишди. Ҳафсаласи пир бўлган Ойсара секингина эшик томон йўналди. Мен яна у-бу маълумот чиқиб қолармикан, деган умидда қўлёзмаси бор инсонларни билишлари ҳақида кизиқиб сўрадим. Тобора қоронғиликка бота бошлаган кун бизнинг кеч бўлиб кетмай Гулистонга етиб боришимиз ҳақида эслатарди. Ойсара масжид ҳовлисида мени кута туриб:

– Ҳилола опа, бу киши (нуруний отахон) қўлёзмаси бор инсонларни билар эканлар. Ҳозир улар келишаркан, кутиб тура оламизми? – деди.

оладиган китоблар берсанг бўлди, – деганди.

Бу гап менда сирдарёликларга нисбатан ҳурматимни кутилмаганда кўп чандон ошириб юборди. У воқеани эслаш ҳозир ҳам мен учун мароқли. Республикамизнинг кўпгина ҳудудларига қўлёзмалар хариди ёки борлигини аниқлаш учун сафарларда бўлганман. Кўпчилик давлатларда оданлар бир қўлёзма учун ажратилган нархга, қай тарзда пўл олинишига қизиқади. Гоҳида қўлёзмаларни совға қилувчилар ҳам албатта, учраб туради. Лекин сирдарёлик нуруний отахон билан бўлган воқеа жуда кам содир бўлади. Бундай таклифни бошқа ҳудудларда эшитмаган эдим. Шунинг учун археографик экспедиция натижаларига бағишланган бир қанча семинар ва конференцияларда ўша отахоннинг таклифини киритдим. Мақсад – совғага муносиб тўхфа билан жавоб қайтариш, китоб ўрнига улар фойдалана оладиган китоблар бериш. Назаримда, отахон бизга савобни савобга қандай улашни жуда оддий тарзда ўргатганди. Отахоннинг гаплари оқибат, шафқат, эзгулик туйғуларига қоришганди.

**Ҳилола НАЗИРОВА,**  
Ўзбекистон Фанлар академияси  
Шарқшунослик институти  
Ёш олимлар кенгаши раиси